O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 18-noyabr • Seshanba • 136 (27.941) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддаси.

Ўзбекистон — Малайзия:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Аввал хабар қилинганидек, Малайзия Бош вазири Абдулла бин Ҳожи Аҳмад Бадавий 16 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ишончли шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Аввало, Малайзия халқининг ўзбеклар каби меҳмондўстлиги, табиатга алоҳида меҳри ва меҳнаткашлигини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йилларида халқимиз саноатнинг янгидан-янги, мураккаб технологияли соҳаларини ўзлаштириш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш йўлида улкан муваффақиятларга эришмоқда. Бунга автомобилсозлик, тўқимачилик, маиший электроника соҳаларидаги ютуқларимиз яхши мисол бўла олади. Нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захираларига бой Малайзия ҳам ўз даврида «хомашё базаси» бўлган. Бугун у жадал тараққий этаётган мамлакатдир.

Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлиги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланади. Айни пайтда ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантириш нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама алоқалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Малайзия — Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасининг (АСЕАН) етакчи аъзоларидан. Бу Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё минтақаси билан муносабатларни ривожлантиришда муҳим омилдир. Айни пайтда Малайзия Ислом конференцияси ташкилотининг (ИКТ) энг фаол ва нуфузли аъзоларидан. Мамлакатларимиз ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик орқали ислом дунёси давлатлари билан алоқалар кўламини кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиши мумкин. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Малайзияда катта мамнуният билан қабул қилинганини, шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро анжуманларда Малайзиядан нуфузли делегациялар қатнашганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ташаббусларини ёқлаб келади. Ўзбекистон БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп маротаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили – ЭКОСОС-га, 1998 йили — Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари — Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили — Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили — Хотин-қизларга нисбатан барча камситишларга барҳам бериш қўмитасига, 2008 йили — «Кодекс Алиментариус» комиссияси раислигига. Ўзбекистон 2007 йилда Малайзиянинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Иҳроия кенгаши аъзолигига номзодини ёқлади. Малайзия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил қилиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, 2006 йили мамлакатимизнинг Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқотга аъзолигини ёқлади.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолатдир. Бунинг тасдиғи учун сўнгги йилларда бўлиб ўтган саммитларни таъкидлаш кифоя. 2003 йили Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамалуллайл зоти олийлари Ўзбекистонга келган бўлса, 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзияга ташриф буюрди. Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга, икки томонлама манфаатдорликка асосланган ана шу муносабатларни янада ривожлантириш, янги мазмун билан бойитиш йўлидаги яна бир қадамдир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 ноябрь куни бўлиб ўтди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди. Малайзия Бош вазири шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазирининг яккама-якка суҳбати бошланди. Унда икки томонлама сиёсий муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш билан боғлиқ ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Малайзиянинг қарашлари ўхшаш ёки яқин эканлиги қайд этилди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий АСЕАН ва ИКТ доирасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. АСЕАН доирасидаги алоқалар юқори технологияларни ўзлаштириш, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-Шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва ушбу минтақадан мамлакатимизга сармоя жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда халқаро терроризм, диний экстремизм таҳдиди тобора ошаётган ҳозирги вақтда ИКТ доирасидаги ҳамкорлик ҳам жуда долзарбдир.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Малайзиянинг бу муаммога ёндашуви ўхшаш. Икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиётни оёққа турғазиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди.

(Давоми 2-бетда)

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ОЗОД МИЛЛАТ БАЙРОҒИ

давлатимиз қудрати, мусаффо осмон, тинчлигимиз, мангу истиқлолимиз тимсолидир

Ҳар тонг уйғонарканман, уйимиз рўпарасидаги баланд бинога кўзим тушади. Унинг тоқида бугун қалбимизга муҳрланиб қолган, жондек азиз бўлган Ватан байроғининг озод ҳилпираётганини кўраман. Унга қараб, беихтиёр хаёлга толаман. Юрагим фахр-ифтихорга тўлади.

Ушбу музаффарлик ортида халқнинг саодати, миллат Йўлбошчисининг матонати, элимизнинг буюк келажаги, тинч-тотув ҳаёти мужассамлигини тасаввур қиламан. Саҳар туриб, фотиҳага қўл очган пиру бадавлат отахону онахонлар дуосини, мамлакат сарҳадларини кўз қорачиғидек асраётган мард ўғлонларнинг сергак нигоҳини, субҳ оқармай дарвоза очиб, кўча супираётган келинчак ниятларини, тезроқ катта бўлиш орзусида юрган беғубор болакай шаффоф туйғуларини ҳис этаман. Бу байроқнинг ҳилпираши она заминнинг буюк тарихи, не-не улуғ зотларнинг жасоратини ёдга солади. Бу байроқ ўтмишни бугунга, бугунни эса буюк келажакка боғлайди. Ватан олдидаги масъуллигимизни янада оширади.

2-бет

✓ ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008

БЎЛАЖАК СИЁСАТЧИЛАР ТАНЛОВИ

ёш фаолларни янада жиҳозлаштиришга хизмат қилмоқда

Ҳар қандай мамлакатнинг истиқболига унинг ёшларини кўриб, баҳо бериш мумкин. Ўсиб келаётган авлод юртнинг эртасини белгилайди. Бу ҳаёт ҳақиқати. Йигит-қизларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганининг моҳияти шунда. Ўзбекистон ХДП Дастурида ҳам бу борада ўзига хос ғоялар илгари сурилган. Партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ўтказилаётган ёш сиёсатчи танлови айнан ана шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Танловнинг Тошкент вилоят босқичи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманлари ғолиблари куч синашди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 18 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	878,47
1 Англия фунт стерлинги	2003,02
1 Дания кронаси	229,40
1 БАА дирхами	370,55
1 АҚШ доллари	1361,12
1 Миср фунти	274,14
1 Исландия кронаси	10,02
1 Канада доллари	1099,63
1 Хитой юани	199,36
1 Малайзия рингги	378,30
1 Польша злотийси	462,26
1 СДР	2009,79
1 Туркия лираси	845,26
1 Швейцария франки	1135,78
1 ЕВРО	1707,39
10 Жанубий Корея вони	9,69
10 Япония иенаси	140,45
1 Россия рубли	49,79
1 Украина гривнаси	235,41

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

✓ Тадбир

ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТ

Адлия вазирлигида ўтказилган матбуот анжумани шу мавзуга бағишланди

Маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини мамлакатимизда кенг нишонлаш мақсадида 2008 йил 1 май куни давлатимиз раҳбарининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармон ижроси борасида Адлия вазирлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Фармон асосида декларация қоидалари жойларда ташкил этилган сайёр кўргазмалар орқали кенг тарғиб этилаяпти. Барча вилоятларда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти» мавзуида ёшлар иштирокида амалий учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда Ушбу учрашувларга шу бугунгача 10 мингдан ортиқ мактаб, лицей ва коллеж талабалари жалб қилинди.

Куни кеча Адлия вазирлигида бўлиб ўтган «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг Конституциявий кафолатлари» мавзуидаги матбуот анжумани ҳам ана шу муҳим вазифага бағишланди. Унда мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ОАВ ходимлари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Мунозара тариқасида ўтказилган матбуот анжуманида инсон ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан адлия идоралари олиб бораётган ишлар юзасидан ОАВ вакилларига батафсил маълумотлар берилиб, уларнинг бу борадаги саволларига жавоблар қайтарилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *анжумандан лавҳа.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат

БУГУНГИ СОНДА:

• ОСОЙИШТАЛИКНИНГ НАВҚИРОН ПОСБОНЛАРИ 2

• ЎЗБЕКИСТОН ТЕРАПЕВТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ 3

• «ЁШЛАР ЙИЛИ»га ЁШЛАРИМИЗ ТУҲФАСИ 4

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Саудия Арабистонида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, кумуш медалга сазовор бўлди!

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон — Малайзия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг август ойида Куала-Лумпурда ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашуви доирасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига оид тақдимот ҳамда бизнес-форум бўлиб ўтди. Бундай анжуманлар ишбилармонлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантиришга, бирбирининг имкониятлари ҳақидаги ахборот ва маълумот кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Шундай саъй-ҳаракатларнинг самараси туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Лекин бу Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорликнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланаётганини англатмайди. Ўзбекистоннинг экспорти асосан транспорт ва сайёҳлик хизматидан иборат. Малайзиядан эса электрон ускуналар, пальма ёғи, каучук ва резина буюмлар келтирилади. Аслида эса икки мамлакатда ҳам бу рўйхатни анча кенгайтириш имконияти мавжуд.

Сармоявий соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилдаги Малайзияга давлат ташрифи асосида нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳамда тўқимачилик, мебелсозлик ва электротехника соҳаларида янги қўшма корхоналар ташкил этишда сармоявий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган келишувларга эришилган эди. Айни пайтда мамлакатимизда Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 22 корхона фаолият юритмоқда. Улар нефть-газ («UzMalOil», «Petronas Carigali Operating Company»), тўқимачилик («Малика Тиэлвэй», «Зобит», «Фикентекс»), мебелсозлик («Файз Минт Плаза»), электротехника («Алгоритм-Малайзия»), молия хизмати кўрсатиш («UzbekLeasing International») соҳаларида фаолият юритади.

Сармоявий соҳада Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли ҳудудида, Устюрт платоси ва Сурхондарёдаги сармоявий блокларда геологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, янги конлар очилмоқда, тозаланган метандан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, «Petronas»нинг Ўзбекистонга киритадиган сармояси ҳажми қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва қўшма корхоналарни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакат иш одамларининг банк-молия, транспорт, сайёҳлик, ахборот технологиялари, маиший электроника, кимё, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Малайзия томонига транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Навоий аэропорти негизида барпо этилган ҳалқаро логистика марказидан фойдаланишни таклиф этди. Бу Малайзия учун Марказий Осиё давлатлари бозорларига йўл очган бўлур эди. Абдулла Бадавий бу таклифни қўллаб-қувватлаб, ўз навбатида Малайзия Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё бозорларига кўприк вазифасини ўташга тайёр эканини таъкидлади.

Музокарада қишлоқ хўжалиги соҳасида Малайзиянинг илғор биотехнологияларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда Малайзиянинг электроника жиҳозлари ва ахборот-коммуникация техникаси ишлаб чиқарадиган йирик компаниялари филиалларини очиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорликка ҳам эътибор қаратдилар. Айни пайтда кадрлар малакасини ошириш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозиргача ўзбекистонлик уч юздан зиёд мутахассис Малайзиянинг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида турли курслар ва семинарларда иштирок этди.

2006 йили Малайзия Олий таълим вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзоланди. Ўзаро англашув меморандумларига мувофиқ, «Истеъдод» жамғармаси билан Малайзия очиқ университети, Тошкент ахборот технологиялари университети билан Малайзия мультимедиа университети ўртасида бевосита ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, миллий кутубхоналар, академик доиралар, қатор илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилди.

Маданий-маънавий яқинлик ва ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Ўзбекистондан Малайзияга, Малайзиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кўпайтиришда муҳим омил бўлади.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик ҳамда илмий ва технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро англашув меморандумлари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Petronas Carigali» компанияси ўртасида нефть-газ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, «Ўзбекнефтгаз» ва «Petronas Carigali Overseas» компаниялари ўртасида тузилган Сурхон сармоя блокида геология-разведка ишларини амалга ошириш бўйича битимнинг кучга кириши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишини, эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

— Малайзия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши ва ҳамкорликка янги суръат бахш этиши шубҳасиздир, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимиз халкларини муштарак анъана ва қадриятлар бирлаштириб туради. Музокараларда икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдик.

— Ўзбекистонга ташрифимиздан кўзланган мақсад ўзаро муносабатларни ривожлантириш, бизнес вакилларининг тўғридан-тўғри алоқаларини рағбатлантиришдан иборат, — деди Абдулла Бадавий. — Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда, сармоявий ҳамкорлигимиз ривожланмоқда. Лекин ҳамкорлик учун ҳали кенг фаолият майдони мавжуд. Минерал ресурсларни, энергия манбаларини ўрганиш ва ўзлаштириш, сайёҳлик каби соҳаларда ҳамкорлик суръатини ошириш тарафдоримиз.

Шу куни Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавий Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Petronas» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу корпорация алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. «Petronas» ва Ўзбекистон компаниялари ҳамкорлигида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

1974 йил ташкил этилган мазкур йирик трансмиллий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация сафида турувчи «Petronas»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ қўплаб тадбирлардир.

Абдулла Бадавий «Абулқосимхон» мадрасасига ташриф буюриб, халқ ҳунармандлари буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди.

Олий мартабали меҳмон пойтахтимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қайта қад ростлаган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, бу ерда сақланаётган муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмасини — Усмон Мусҳафини кўздан кечирди.

Малайзия Бош вазири ушбу мажмуадан катта таассурот олганини таъкидлаб, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аждодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, улуғ аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этди.

Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ОЗОД МИЛЛАТ БАЙРОҒИ

давлатимиз қудрати, мусаффо осмон, тинчлигимиз, мангу истиқлолимиз тимсолидир

Миллат байроғи мағрур ҳилпирайди. У жондек азиз, нондек муқаддас. Мўғул босқинчилари Мовароуннаҳр тупроғига бостириб кирганида, юртнинг асл фарзандлари ягона Ватан туғи остида бирлашиб, унга қарши курашди. Нажмиддин Кубродек улуғ мутафаккир, халқ фидойиси уни баланд кўтариб, «Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!» дея ҳайқириб, қонхўрларга қарши оёққа турди. Гарчи ўзи ҳалок бўлса-да, муқаддас Ватан туғини душманларга бериб қўймади — аламзада ёғийлар байроқни шаҳид бобомизнинг қўлларидан у ҳалок бўлгандан сўнг ҳам ололмаганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Ўша босқинчилар бу байроқни ўзининг ор-номуси, виждони деб билган уйғоқ миллат борлигини, унинг қалбида ёнган озодлик олови ҳеч қачон сўнмаслигини билишармиди?! Ҳа, улар бу халқнинг тарихий хотирасини ҳар қандай ёвуз куч йўқота олмаслигини билмас эдилар.

Боқийлик байроғи ҳилпирайди. Қуёшдан таралаётган ҳаёт нурлари адолат тантанаси томон йўл очди. Амир Темурдай буюк Соҳибқирон ғолиб миллат байроғини юксак кўтарди. Бу байроқ остида буюк эл бирлашди, у барпо этган улуғ салтанатни дунё тан олди. Бу давр Ватан тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Байроқ эса том маънода юрт рамзига, улуғворлик тимсолига айланди. Маҳорабаларда жангчиларга жанговар руҳ бағишлаш, уларнинг кайфиятини кўтариш, иродасини чиниқтириш мақсадида жанг майдонлари узра баланд ҳилпираб турди. Бу байроқ энг ишончли баҳодирлар томонидан қўриқланди. Бехос дайди ўқ келиб туғ кўтарган жангчига тегса-да, у тупроққа қоришмади — дарҳол шаҳид сарбоз ўрнини бошқаси эгаллади. Мақсад — жангоҳдагиларга доимо байроқ кўриниб туриши, уларни Ватан тақдири йўлида бирлаштириши зарур эди.

Соҳибқирон бобомиз замонида байроқни паст тутиш ёки сарбознинг қўлидан тушиб кетиши хосиятсизлик саналган. Бунга Соҳибқирон алоҳида эътибор берган. Байроқнинг пасайтирилиши мағлубият ва ортга чекиниш ишораси бўлган. Шунингдек, «Темур тузуклари»да таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари — туғ ва ноғора билан мукофотланган. Бу соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд мақом тутганлиги ва улар қандай катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Боқийлик байроғи муаззам ҳилпирайди. У тарихнинг халқимиз бошига мусибат тушган даврлари — ўтган асрнинг бошлари, мустабид тузумнинг мудҳиш йилларини ёдимизга солади. Бу кунлар юртимиз учун энг синовли, аччиқ, аламли кунлар бўлиб эсда қолди. Ватан байроғини тутган қўллар қайрилди, «Озодлик» деб ҳайқирган овозлар бўғилди... Миллат фидойилари «халқ душмани», «қулоқ», «сотқин» каби қора номлар билан таъқибга учради. Бир пайтлар маърифат бешигини тебратган қадим халқ оммавий саводсизга чиқарилди. Бу эса миллатга нисбатан адолатсизлик эди. Буни ўз вақтида англаб етган юртнинг асл фарзандлари мардлик белбоғини белига маҳкам боғлаб, халқни ҳурлик, Ватан озодлиги учун бир ёқадан бош чиқариб, ҳуррият байроғи остида бирлашишга чақирди. Дунёга уйғоқ назар билан қарашга ундади:

Тириксан, ўлмагансан,
Сенда одам, сенда инсонсен.
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!

Чўлпонннинг оташ қалбидан отилиб чиққан бу ҳайқириқ шунчаки баландпарвоз гап эмас, балки миллатпарвар шоирнинг она халқига ҳайқириғи эди. Унга Мунаввар Қорининг нафаси, Абдулла Қодирийнинг умидлари, Усмон Носирнинг жарангдор овози қўшилиб кетганди. Аммо бу орзунинг ушалиши учун миллатни бирлаштирадиган байроқ, уни баланд кўтара оладиган кучли қўллар, унга йўл кўрсатадиган йўлбошчи керак эди.

Боқийлик байроғи муаззам ҳилпирайди. **1991 йил 18 ноябрь — озод Ватан байроғи янгидан дунёга келди!** Унга энг муносиб ва ёруғ ранглар танланди. Тириклик мазмуни акс этган мусаффо осмон ва обиҳаёт рамзи сифатида яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шуҳрат ва садоқатни ифодаловчи, бобомиз Амир Темур байроғи тимсолига айланган мовий ранг, муқаддас тинчлик рамзи бўлган беғуборлик, софлик ва пок орзу-хаёллар ифодаси бўлмиш оқ ранг, табиатнинг янгиланиши, мангу яшариш, навқиронлик, умид, шоду хуррамлик тимсоли яшил ранглар унга жуда ярашиб тушди. Вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларини ифодаловчи қизил чизиқлар ўзгача ёрқинлик бағишлади. Мустақилликнинг рамзи сифатида тарихий анъаналарга содиқлик ва шарққа хосликни англатувчи навқирон ярим ой ҳамда қадим йилномаларга алоқадор бўлмиш илоҳийлик тимсоли — 12 юлдуз тасвири билан зийнатланди.

Бу мағрур элнинг асрлар давомида орзу қилган миллий ғурури, шаъни, қадр-қиммати, иродасини ифодаловчи озодлик байроғи! Унда боболар руҳи, аждодлар орзу-армони, замондошлар умидлари акс эттирилган. Мустақил Ўзбекистон байроғида халқимизнинг бугуни, ўлмас хотираси, иймон-эътиқоди, келажакка бўлган комил ишончи ёрқин намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам миллат фарзандлари қаерда бўлмасин, Мамлакат байроғига, Ватан тимсолига таъзим қилади, уни кўзларига суртиб, ардоқлайди, фахр-ифтихор, ғурур билан боши узра баланд кўтаради. Чунки бу байроқ бирлик ифодачиси, бирлик рамзи! Байроғимизни мустаҳкам қўлларида маҳкам тутган халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Энди бу эл ўзи ҳур, ўзи музаффар!

Қадим элга ярашгай зафар,
Ўзинг мангу ҳурлик ардоғи.
Қайда бўлма, эркин, музаффар,
Ҳилпираб тур, Ватан байроғи!

Жасур ҲУСАНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ОСОЙИШТАЛИКНИНГ НАВҚИРОН ПОСБОНЛАРИ

Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлашнинг самарали тизими яратилган. Бу жараёнда тизим шахсий таркибини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида ҳар жиҳатдан чиниққан, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир, малакали ходимлар тайёрланмоқда.

Олий курсда курсантларнинг назарий билими билан бир қаторда амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Замонавий компьютер ва лингафон, жанговар-тактик машғулотларни ўргатиш, спорт машқлари олиб бориш хоналари улар ихтиёрида. Бунда ўқитишнинг самарали усуллари мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мазкур курснинг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кичик сержант унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

— Юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик бизни шижоат билан ўқиш ва меҳнат қилишга ундайди, — дейди Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси битирувчиси Манзура Турдибекова. — Шу боис биз эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани адо этиш йўлида бутун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган сурат

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ва **Урганч шаҳар кенгашлари** томонидан Урганч тиббиёт коллежи талабалари иштирокида «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида изчил амалга оширилаётган ишлар натижасида бу борадаги қонунчилик такомиллашди, инсон қадр-қимматини улуғлашнинг ҳуқуқий механизмлари қарор топди. Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

— Конституциямизда инсон, унинг шаъни олий қадрият сифатида белгиланган, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров. — Бунинг моҳиятини ёшларга тушунтириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш партия ташкилотларимизга ҳам алоҳида вазифалар юклайди.

Иштирокчилар одам савдосига қарши кураш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирлар, бу борада ҳар бир фуқаронинг вазифалари тўғрисида фикрлашдилар.

✧✧✧

ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши буюк алломалар, шоирлар ва санъаткорларнинг ибратли ҳаёти ва бой маданий меросини ўрганиш, халқимизга етказишдек хайрли ишларни амалга оширмоқда. Қолаверса, «Буюк аллома Бурҳониддин Марғиноний — фиқҳ илмининг ёрқин юлдузи» мавзуида олимлар, ёзувчилар ва журналистлар иштирокида учрашувлар, тадбирлар ўтказмоқда.

Яқинда эса кенгаш ташаббуси билан Шарқнинг таниқли шоираси Жаҳон отин Увайсий жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма шоира ҳаёти ва ижодига оид янги маълумотларни тўплашга киришди. Увайсий уй музейида ғазалхонлик кечалари бўлиб ўтмоқда. Бу эзгу ишлар партиямизнинг буюк аждодларимиз хотираси ва уларнинг бой маънавий меросига юксак эътиборидан далолатдир.

(Ўз мухбиримиз)

БЎЛАЖАК СИЁСАТЧИЛАР ТАНЛОВИ

ёш фаолларни янада жипслаштиришга хизмат қилмоқда

Иштирокчилар дастлаб сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги вилоят партия кенгашининг навбатдаги ўқувида қатнашди. Семинарда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёрқин келажагининг мустаҳкам пойдеворини яратиш борасида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодий ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди. Вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов, академия проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳасан Абдулқосимов, Ўзбекистон халқ шоири, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Маҳмуд Тоировлар мавзунинг муҳим жиҳатлари ҳақида батафсил тўхталдилар. Қизғин фикр алмашувлар, савол-жавоблардан сўнг ёшларнинг сиёсий билимлар танлови бошланди.

Партиянинг ёш фаоллари тўртта шарт бўйича беллашувларда қатнашдилар. Даставвал улар ўз шиорлари, кўкрак нишонлари, фотоальбомлари, Ёшлар йили Давлат дастурини амалга оширишдаги иштироки, «Истиқбол» ёшлар қанотида олиб бораётган ишлари билан таништирдилар. Шундан сўнг уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлари савол-жавоблар асосида имтиҳон қилинди. Бунда биринчи навбатда, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, уларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иштироки, давлатчилигимиз тарихи, демократик жараёнларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги босқичда ҳар бир иштирокчи депутатликка номзод сифатида чиқиб, сайловолди дастури билан таништирди. Конституциямиз, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳақидаги қонунларни пухта билишларини намоён этдилар. Сайловолди платформаларда минтақанинг ижтимоий муаммолари қанчалик қамраб олингани, нотиқлик санъати ҳисобга олинди.

Танловнинг тўртинчи шарти саҳна кўриниши эди. Унда ёш фаоллар ташкилотчилик қобилиятини кўрсатиб, партияга қабул қилиш жараёни, Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти, тарғибот-ташвиқот ишлари вақтида учрайдиган турли ҳаётий ҳолатларни кўрсатдилар. Партиямиз Дастурида белгиланган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп болали оилалар, ногиронлар, нафақахўрлар, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан ўз тажрибалари, таклифларини саҳна воситасида ифода этдилар.

Қизғин мунозара ва тортишувлардан сўнг, ҳайъат Чирчиқ шаҳридан «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Улуғбек Ғуломовни биринчи ўринга лойиқ, деб топди ва у кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди. Бўстонлиқ туманидан Насиба Норметова иккинчи, Ангрен шаҳридан Рухсора Аҳмедова ҳамда Тошкент туманидан Саида Турсуновалар учинчи ўринга муносиб кўрилди. Ғолиблар, иштирокчилар ва танловни ўтказишда фаол қатнашганларга Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Танловга тайёргарлик кўриш жараёнида жуда кўп китоб ўқиш, қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, партиямиз Дастури ва Устави билан яна бир бор яқиндан танишиб чиқишга тўғри келди, — дейди Улуғбек Ғуломов. — Қанчалик кўп ўқиганинг сари билимларинг шунчалик кам эканини ҳис қиларкансан киши. Шунинг учун «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли сифатида бу борадаги билимларимни муттасил такомиллаштириб боришим кераклигини англадим.

— Мен юқори ўринларни ололмаган бўлсам-да, ўзимни ғолибдек ҳис қилаяпман, — деди Юқори Чирчиқ туманидан келган Нодира Тўйчиева. — Чунки, кўплаб дўстлар орттирдим, тенгдошларим нималарга қодирлигини кўрдим, уларнинг ўй-фикрлари, мулоҳазалари билан танишдим. Ҳаётнинг, илм ўрганишнинг ўзим учун кўпгина қирраларини кашф қилдим. Ушбу сиёсий билимлар танлови бизни янада жипслаштираяпти, деб бемалол айтиш мумкин.

Танлов давомида қатнашчилар эътиборига Чирчиқ шаҳридаги 7-мактаб ўқувчилари Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари асосида тайёрлаган саҳнавий композиция намойиш этилди.

✧✧✧

Хоразм вилоятида ҳам сиёсий билимлар танлови юқори савияда ташкил этилди. Барча туман ва шаҳарлардан келган иштирокчилар 4 та шарт бўйича беллашдилар. Гурлан туман Иқтисодиёт коллежи талабаси Ҳамида Жуманиязова ўзининг билими ва иқтидори билан катта таассурот қолдириб, кўрик-танловнинг энг ёш қатнашчиси деб топилди. Урганч шаҳридаги 2-сон академик лицейи тарих фани ўқитувчиси Эргаш Саидов танлов ғолиби бўлди ва республика босқичига йўлланма олди.

Танлов якунида ЎзХДП сафига янги қўшилган ёшларга аъзолик гувоҳномалари, кўрик-танлов иштирокчилари ва ғолибларига Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Бехзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Тадбир

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРАПЕВТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Ўтган ҳафта Тошкентда Ўзбекистон терапевтларининг V съезди бўлиб ўтди. У республикамизда «Ички касалликларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитациянинг долзарб муаммолари»га бағишланди. Анжуманни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон терапевтлар ассоциацияси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази ҳамкорликда ташкил этди.

Съездда республикамизнинг таниқли олимлари, вилоятлардан ташриф буюрган соҳа мутасаддилари, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари — Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган мутахассислар қатнашдилар. Унда 80 дан ортиқ илмий маърузалар тингланди.

Баҳодир ОРИПОВ, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази пульмонология бўлими мудири, доцент.

— Юртимизда истиқлол йилларида тиббиётнинг терапия соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти ҳамда Гастроэнтерология илмий маркази базасида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Маълумки, республика терапевтларининг аввалги съездидан сўнг орадан анча вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида соҳанинг ўзига хос ташкилий масалалари вужудга келди. Зеро, соҳа ходимларининг V съездида ана шулар кун тартибига қўйилди. Съезднинг асосий мақсади — олимлар ва амалиёт шифокорлари томонидан республикамиз шароитига мослаштирилган даволаш-профилактика дастурларини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, ички касалликларни юқори технологик ташхислаш усуллари, даволаш ва тиббий реабилитация бўйича ўзаро тажриба алмашиш бўлди.

Анис АЛЯВИ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти директори, профессор:

— Илмий салоҳият, тажриба, халқаро ҳамкорлик ҳар қандай соҳа тараққиётининг бош омили бўлиб келган. Ички касалликларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитациянинг долзарб муаммоларидан бири ҳам бугунги кунда хасталикларни ташхислашда юқори технологик усулларни жорий этишдир. Съездда терапия хизматининг асосий ташкилий, илмий ва амалий ютуқлари ҳақидаги маърузалар билан танишдик.

Терапевтларнинг бу галги бешинчи съездида биз хориждан келган нуфузли олимлар, мутахассислар билан ҳамкорликда ички касалликларни ташхислашдаги янги технологиялар, пульмонология, клиник аллергология, кардиология, гастроэнтерология, ревматология, нефрология, шошилинч ёрдам, даволаш ҳамда ташхислаш стандартлари хусусида фикр алмашдик, баҳс, мунозаралар юритдик. 430 та съезд мақолаларини алоҳида тўплам ҳолида чоп этдик.

Таъкидлаш жоиз, терапия соҳасидаги янги дори-дармонларни қўллаш ҳам муҳим. Шу боис республикамизда фаолият олиб бораётган жаҳондаги етакчи фармацевтика соҳаси компаниялари томонидан 2 та йўлдош (сателлит) симпозиум ўтказилди, ички касалликларни замонавий услубда даволашда қўлланиладиган дори воситалари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Юрий ВАСЮК, Россия Федерацияси, Москва.

— Ўзбекистон — тиббиёт соҳасида улкан илмий салоҳиятга эга мамлакат. Съезднинг йўлдош симпозиумида қилинган «Юрак ишемик касаллигини даволашнинг янги истиқболи» мавзуидаги маърузалардан кўп янгиликлар олдик. Жумладан, ўзбекистонлик олим У.Қаюмовнинг «Юрак қон томир касалликларида комбинирланган терапиянинг қўлланилиши» маърузаси анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўйлаймизки, бу анжуман келажакда соҳа ривожига хизмат қилади.

Шоҳиста ШОҲИДАЕВА, Biomardon — Novatlo фармацевтика компанияси тиббиёт блоки бошлиғи:

— Соғлиқни асраш ва тиклашда тиббий препаратлар билан бирга табиий дори-дармонларнинг муҳим ўрни бор. Съездда компаниямиз юзга яқин турдаги табиий дори-дармонлар, биофаол қўшимчалар, табиий гиёҳлардан тайёрланган дамламалар кўргазмасини ташкил этди. Мутахассислар томонидан ўнлаб дори-дармонларимиз амалиётга қўлланилиши таклиф этилди.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Иқтисод ва ислоҳот

МОЛИЯЛАШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД

фуқаролар турмуш тарзини муттасил яхшиланиб боришига эришишдан иборат, — дейди «Микрокредитбанк» АТБ Қизилтепа туман филиали бошқарувчиси Мамаражаб РАҲМОНОВ

MIKROKREDITBANK

— Суҳбатимизни банкнинг бугунги амалий фаолияти ҳамда бошқа тижорат банклари сингари аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаларидан бошласак...

— Банк ва банк иши мундарижаси — асосан мамлакат иқтисодиёти, унинг миллий пул бирлиги ҳамда нақд пул муаммоси билан характерланади. Шундай экан, бизнинг асосий мақсадимиз — «банк ва мижоз» тушунчасини ҳар бир фуқаро онгига сингдириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини замон талаблари даражасига етказишдан иборат.

Банк ходимларига мурожаат этувчиларнинг кўпчилиги асосан ёшлар бўлиб, улар томонидан тушган аризаларда уй-жой учун ипотека кредити, янги оила учун истеъмол кредити ҳамда кам таъминланган оилалар учун чорва моли харид қилиш учун имтиёзли кредитлар сўралади. 2008 — Ёшлар йилининг ўтган даврида ёш оилаларга 210 миллион сўмлик кредит кўмаги кўрсатдик. Йил охиригача уй-жой, истеъмол ва шинам квартиралар хариди ҳамда мебель тўпламлари учун яна 50 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит турлари расмийлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Қизилтепа тумани ишлаб чиқаришини асосий қисмини пахтачилик, ғалла ва пилла-чилик ташкил этади. Маъмурчилик манбалари — қўй ва қорамолчилик, паррандачилик ҳам ривож топган. Ана шу тармоқларнинг ҳаммасида эришаётган ўсишга бизнинг «Микрокредитбанк»имиз катта кўмак бермоқда, десам янглишмайман.

— Банкларнинг иқтисодий салоҳияти, молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан мижозлар сони ва сифати ҳамда уларнинг ташаббуслари ижроси билан ҳам баҳоланади. Шу нуқтаи назардан банк ва мижоз тушунчаси, уларнинг амалий ҳамкорлиги хусусида ҳам тўхталсангиз...

— Агар филиалимизнинг ташкилий-таркибий даври 2006 йил май ойига тўғри келса, ўшанда атиги 24 нафар мижоз билан иш бошлаганмиз. Айни кунга келиб улар сони 520 тадан ошиб кетди. Жорий йилнинг ўзидаёқ мижозлар 187 тага кўпайди. Бунинг 250 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, 50 га яқини нақд пул топширувчи жисмоний шахслар, 60 дан ортиғи фермерлардир. Умумий активимиз — ҳаракатдаги айланма маблағимиз ҳозир 1 миллиард 250 миллион сўмдан зиёд. Шунинг 381 миллион сўми фермерчилик ҳаракатига, унинг молиявий кўмагига хизмат қилаяпти. Активларимиз юксалаётгани сабаб тадбиркорлик субъектларини микромолиялашнинг турдош, ўриндош йўлларини ишлаб чиқдик.

Бугина эмас, ёшларни Ватанга, юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш йўлида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ўқув комплекси марказига 25 миллион сўмлик 2 та «Лада» ўқув енгил машиналари харид қилиб бердик. Лизинг асосида олиб берилган бу техника воситалари айни кезларда ҳарбий хизматга чақирилувчи ёш курсантлар хизматида.

— Кадрлар малакаси, ихтисослиги ҳақидаги фикрларингиз...

— Филиалларимизда жами 23 нафар банк ходимлари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 60 фоизи олий ва бакалавр даражасидаги малакали мутахассислардир. Жавлон Мардиев, Акмал Тожиев, Камол Кенжаев, Зафар Рустамов, Бахтиёр Ражабов, Маҳлиё Каримова, Норбегим Ризоқулова сингари ўнлаб ҳамкасбларимиз пул муомаласи, кунлик нақд пул кирим-чиқими билан шуғулланишса, уларга ўхшаш яна қатор йигит-қизларимиз банк маънавият хонаси ишини, мижозлар учун аниқ кўрсатма ва йўлланма бериш бурчаклари фаолиятини, тарғибот-ташвиқот марказлари ва пластик карточкалар ҳаракатларини назорат қилиб боришади.

— Жойлардаги мини банк шохобчалари ва аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш борасида сўзласангиз...

— Аҳоли гавжум жойларда — маҳаллалар, гузарлар қўрғонларда ўзининг ихчам шохобчаларига эга бўлмаган банк ҳеч қачон халқ орасига кенг кириб боролмайди. Чунки, ҳар қандай ташаббус ва истиқболли лойиҳалар кўпчилик кўмагида амалга ошади. Тўғри, ҳозир бизда атиги битта минибанк фаолият кўрсатаётган бўлса-да, туман марказий бозори, «Тошработ», «Зарафшон», «Азизобод» қўрғонларида шохобча тарзидаги доимий кассаларимиз муттасил ишлаб турибди. Улар одамлар узоғини яқин қилибгина қолмай, балки ўз навбатида коммунал тўловларни расмийлаштириш, нафақа пулларини вақтида етказиб беришга ҳам хизмат қилаяпти.

Омонат турлари, аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш борасида ҳам бошқа тижорат банкларида бўлгани каби филиалимизда кўпгина хайрли ишлар бошлаганмиз. Ҳозир жойларда — ўқув юртларида, маҳалла-кўй, идора ва ташкилотларда ҳам тез-тез бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораяпмиз. Терминаллар ва пластик карточкалар ишини тубдан яхшилаш йўлларини қидираяпмиз. Эҳтимол, бугунги эришаётган ютуқларимиз айни шу саъй-ҳаракатларимиз натижасидир... Мақсадимиз — иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига муносиб ҳисса қўшиш.

Суҳбатдош:
Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

t

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 11 декабрдаги 03-26-139 сонли топшириғига мувофиқ ташкил этилган Қўнчилик ва пойабзал саноати корхоналари учун инвесторлар ва бошқарувчи компанияларни танлаш бўйича ишчи гуруҳи

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредитлар бўйича қарзларни сўндириш ҳисобига балансга қабул қилинган қуйидаги мол-мулкини сотиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мол-мулк номи	Қаерда жойлашгани	Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти	Лойиҳавий қуввати
Терини қайта ишлаш ва курткалар ҳамда дублёнкалар тикиш учун мўлжалланган, Туркияда ишлаб чиқарилган ускуналар, бино ва иншоотлари билан бирга	Наманган вилояти, Косонсой тумани	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш ҳамда чарм курткалар ва дублёнкалар тикиш	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш — йилига 300,0 мингта, чарм курткалар ва дублёнкалар тикиш — йилига 50,0 мингта
Терини қайта ишлаш ускуналари, Туркияда ишлаб чиқарилган, бино ва иншоотлари билан бирга	Хоразм вилояти, Шовот тумани, Хитой посёлкаси	Қорамол ва қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш	Қорамол терисини қайта ишлаш — йилига 70,0 мингта, қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш — йилига 100,0 мингта
Пойабзал ишлаб чиқариш ускуналари, бино ва иншоотлар билан бирга	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Фаёзов кўчаси, 3	Пойабзал ишлаб чиқариш	Йилига 810.000 жуфт пойабзал
Пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар. Ускуналар йўқ	Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Манғит кўчаси, 5	Пойабзал ишлаб чиқариш	
Пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар. Ускуналар йўқ	Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Саряпан қ/қ, 1-бригада	Пойабзал ишлаб чиқариш	
Терини қайта ишлаш, чарм курткалар ва манто шаклидаги чарм курткалар тикиш учун мўлжалланган, Туркияда ишлаб чиқарилган ускуналар, бино ва иншоотлари билан бирга	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Кумакай қишлоғи	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш, чарм курткалар тикиш ва манто шаклидаги чарм курткалар тикиш	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш — йилига 450,0 мингта, чарм курткалар тикиш — йилига 30,0 мингта, манто шаклидаги чарм курткалар тикиш — 15,0 мингта
Болалар пойабзали тикув асбоб ускунаси, Германия	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Болалар ва ўсмирлар пойабзали: этик, ботинка	Йилига 450 минг жуфт болалар ва ўсмирлар пойабзали: этик — 68 минг жуфт; полуботинка — 314 минг жуфт; ботинка — 68 минг жуфт

Танловда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган резидент юридик шахслар ва/ёки хорижий қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳамда танлов савдоларида иштирок этиш ёки қўнчилик ва пойабзал саноати соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бундай корхоналарни бошқариш фаолияти билан шуғулланиш тақиқланмаган норезидент юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Даъвогарлик қилувчи корхоналар танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб беришлари керак, жумладан:

1. Юқорида кўрсатилган мулкий комплекслар (мол-мулк)ни сотиб олишни истовчи инвесторлар қуйидагилар тасдиғини тақдим этишлари зарур:

— қўнчилик, пойабзал ёки бошқа ишлаб чиқаришдаги иш тажрибаси;

— илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳалари;

— танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда корхонани сотиб олиш имконини берувчи барқарор молиявий аҳвол.

2. Танловда қатнашиш истагини билдирган инвесторлар олдига қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

танлов объектини сотиш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин икки ойдан кечикмай ишга киришишга тайёрлик.

3. Қуйидаги корхоналар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:

— тугатиш ёки банкротлик босқичида турган корхоналар;

— бюджетга ажратмалар, уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича қарзи ва банк кредити бўйича муддати ўтган қарзи бор корхоналар.

Даъвогарлар танлов ҳужжатларини, шунингдек, танловни ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги батафсил қўшимча ахборотни 2008 йил 18 ноябрдан бошлаб танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунча ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача Танлов ташкилотчисининг **қуйидаги манзилида** олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 100100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 6-уй «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси Зоҳидов Мирсаид Миралимович

Телефонлар: 254-65-60, 255-73-34, 255-75-86

Танлов ташкилотчиси танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат: 2008 йил 18 декабрь куни соат 18.00 гача.

Танлов таклифлари улар қабул қилиб бўлинганидан кейин 10 кун мобайнида очилади.

Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТНИ ТЎЛИҒИЧА ҚУРИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ ШАРТИ БИЛАН ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Обеъкт номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи	Қурилиш муддати
1	Самарқанд шаҳри, Чўпон-Ота массивида Самарқанд вилоят ИИБнинг 60 та хизмат итларига питомтик қурилиши	2 447 772 912 сўм	9 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобилан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Носир 1-берк кўчаси, 9-уй. Телефон: (8-371) 254-79-42.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хонада соат 10.00 да Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази жойлашган бинода ўтказилади.

✓ Футбол

«ЁШЛАР ЙИЛИ»ГА ЁШЛАРИМИЗ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Саудия Арабистонида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, кумуш медалга сазовор бўлди

Икки ҳафта давом этган Осиё чемпионатида қитъамизнинг кучли ўн олти терма жамоаси ғолиблик учун муросасиз кураш олиб борди. Қуръага кўра, Аҳмаджон Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақанинг «Д» гуруҳида Иордания (1:0), Австралия (1:1), Таиланд (1:0) вакилларига қарши муносиб тўп сурдилар.

Чорак финалда вакилларимиз Хитой ёшлар терма жамоасига қарши чинакам иродали ўйин намойиш этишиб, ярим финалга йўлланмани қўлга киритдилар. Унда гарчи, асосий ва қўшимча вақтда ҳисоб очилмаган бўлсада, пенальтилар серияси

ҳамюртларимизга омад кулиб боқди — 4:3.

Ярим финалда Ўзбекистон ёшларини қитъамизнинг номдор жамоаларидан бири — Жанубий Корея футболчилари кутиб турарди. Рақибининг ўйин тактикасини пухта ўзлаштирган Аҳмаджон Убайдуллаев шогирдлари ушбу учрашувда ҳам ўз мухлисларини хурсанд қилишди. Жамоа сардори Шерзодбек Каримов томонидан киритилган ягона тўп юртимиз ёшларига финал йўлланмасини тақдим этди — 1:0.

Бунгача мамлакатимиз футболчилари ОФК байроғи остида икки маротаба — дастлаб 1994 йили Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида ҳамда 2006 йили футзал бўйича Тошкентда ташкил этилган қитъа чемпионатида финалга йўлланма олишган эди. Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз хитойликларни мағлубиятга учратиб, олтин медалларга сазовор бўлишган, Тошкентда эса футзалчиларимиз японияликларга имкониятни бой беришган эди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатининг иккинчи финалчиси Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси ҳам худди мамлакатимиз ёшлари сингари ўз тарихларида илк бор ана шундай бахтга мушаррраф бўлишди. БАА вакиллари мусобақада бунгача беш учрашув ўтказиб, барчасида зафар қучишган. Улар чемпионатда ҳужумкор ўйин намойиш этиб, финалгача беш учрашувда 10 та гол уришганди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса шунча учрашувда 4 та гол ургани ҳолда, ўз дарвозасидан атиги бир марта тўп ўтказиб юборганди.

Ҳал қилувчи ўйинда ҳар икки жамоа аъзолари ҳам асосий эътиборни ҳимояга қаратган ҳолда кўпроқ қарши ҳужум тактикасини қўллашди. Дастлаб Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари 33-дақиқада ҳисобни очишган бўлса, 64-дақиқада Кенжа Тўраев ўртадаги мувозанатни тиклади. Аммо ҳамюртларимизга нисбатан тезкорроқ ҳаракат қилган араб футболчилари орадан саккиз дақиқа ўтгач, дарвозабон ва ҳимоячилар хатосидан унумли фойдаланишди — 2:1. Шундан сўнг, вакилларимиз қанчалик уринишмасин рақиблари дарвозасига бошқа йўл топа олишмади ва учрашув охиригача шу ҳисоб сақланиб қолди. Ўзининг бетакрор ўйинлари, чиройли хатти-ҳаракатлари билан юртимиз ишқибозлари меҳрини қозонган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси илк маротаба Осиё чемпионати кумуш медали билан тақдирланишди.

Мусобақа якунлангач, ОФК томонидан таъсис этилган «Ҳалол ўйин учун» совринни ўзбекистонлик футболчиларга топширилди.

— Албатта, «Ҳалол ўйин учун» совринини қўлга киритганимиз яхши, — деди бош мураббий Аҳмаджон Убайдуллаев мусобақадан сўнг. — Аммо чемпионлик шоҳсупасига чиққанимизда мутлақо бошқача бўларди. Финалда бор кучимиз билан ҳаракат қилдик. Лекин омад шу куни биз тарафда бўлмади. Умуман олганда, йигитларимиз бир бутун жамоа эканликларини намойиш этишди ва ўзларининг яхши томонларини кўрсата олдилар. Энг муҳими, келаси йили Мисрда ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритганимиздан беҳад мамнунмиз.

Ҳа, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қитъа чемпионатидаги муносиб иштироки билан бошқа терма жамоаларимиз ҳамда клубларимизга ибрат бўлишди. Қуйида жамоамизнинг ёрқин ғалабаларига ўз улушларини қўшган умидли ва иқтидорли ёшларимиз билан таништирамиз:

Дарвозабонлар — Дониёржон Усмонов («Нефтчи», Фарғона), **Илҳом Жуманов** («Кимёгар», Чирчиқ), **Сухроб Султонов** (ОТМК, Олмалиқ);

Ҳимоячилар — Акмал Холмуродов, Ғулом Ўрунов, Мурод Холмуҳамедов (барчаси «Пахтакор», Тошкент), **Зоҳид Раупов** (ОТМК), **Дилёрбек Эрматов, Ислом Тўхтахўжаев** («Нефтчи»), **Шерзод Аъзамов** («Машъал», Муборак), **Сарвар Отабоев** («Сокол-Учқудуқ», Навоий);

Ярим ҳимоячилар — Фозил Мусаев, Суннатилла Мамадалиев («Насаф», Қарши), **Ойбек Қиличев** («Пахтакор»), **Жасур Ҳасанов** («Бухоро»), **Зоҳир Пиримов, Достон Абдураҳмонов** (ОТМК), **Шерзодбек Каримов** («Қизилқум», Зарафшон);

Ҳужумчилар — Санъат Шихов, Алишер Азизов («Пахтакор»), **Кенжа Тўраев, Иван Нагаев** («Насаф»), **Даврон Мирзаев** («Рубин», Қозон, Россия).

Фурсатдан фойдаланиб, Осиё чемпионати кумуш медали совриндорлари ва уларнинг ота-оналари, мураббийустозларини ҳамда миллионлаб ишқибозларини ушбу ажойиб муваффақият билан муборакбод этамиз.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БУНЁДКОР» — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ!

Яна икки турдан сўнг, футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати баҳсларига якун ясалади. Бу йилги мавсум учрашувларини кўтаринки рухда ўтказган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси 28-турда ўз майдонида «Андижон» футболчилари устидан 2:0 ҳисобида зафар қучиб, муддатидан илгари мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Ёдингизда бўлса, бундан икки ҳафта муқаддам бунёдкорчилар Ўзбекистон кубоги финалида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини 3:1 ҳисобида доғда қолдирганди.

Ушбу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Шўртан» — «Насаф» — 3:2, «Локомотив» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Металлург» — ОТМК — 1:1, «Навбаҳор» — «Қизилқум» — 1:1, «Машъал» — «Бухоро» — 2:0, ЎзДонгЖу — «Нефтчи» — 1:1, «Динамо» — «Пахтакор» — 1:3.

Шундай қилиб, йигирма саккиз ўйиндан сўнг ҳисобидаги очколар сонини 78 тага етказиб олган «Бунёдкор» футболчилари илк маротаба чемпионлик шоҳсупасига кўтарилишди. Пахтакорчилар ҳисобида эса 71 очко бор. Юрий Саркисян бош мураббийлик қилаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси 54 очко билан учинчи ўринни банд қилиб туришибди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мулкий комплексни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича танлов эълон қилади:

1. Қуйидагилардан иборат мулкий комплекс:

- томат паста, кетчуп, мева бўтқаси ва шарбатлари ишлаб чиқариш ускуналари (ишлаб чиқариш қуввати — йилига 506 тн. тайёр маҳсулот);
- майдони 1,2 гектарга тенг ер участкасида жойлашган, умумий майдони 3.017,0 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий бинолар ҳамда иншоотлар.

2. Мулкий комплекс қуйидаги манзилда жойлашган:

Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Хонқа посёлкаси, Мулла-Яп кўчаси, 64-а уй.

3. Танлов ҳужжатларини, шунингдек танлов ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги қўшимча ахборотни танлов таклифлари қабул қилинадиган муддат охирига қадар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9^{00} дан 18^{00} гача «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2008 йил 18 декабрь соат (маҳаллий вақт билан) 18^{00} гача.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармаси

Телефон: 234-45-33, 235-17-02.
Факс: 234-04-53.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мулкий комплексни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича танлов эълон қилади:

1. Қуйидагилардан иборат мулкий комплекс:

- полиэтилендан газ ва сув қувурлари ишлаб чиқариш ускуналари (ишлаб чиқариш қуввати — йилига 3.988,50 тн. тайёр маҳсулот);
- майдони 1,5 гектарга тенг ер участкасида жойлашган, умумий майдони 4.406,79 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий бинолар ҳамда иншоотлар.

2. Мулкий комплекс қуйидаги манзилда жойлашган:

Ўзбекистон Реепубликаеи, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси-1.

3. Танлов ҳужжатларини, шунингдек танлов ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги қўшимча ахборотни танлов таклифлари қабул қилинадиган муддат охирига қадар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9^{00} дан 18^{00} гача «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2008 йил 18 декабрь соат (маҳаллий вақт билан) 18^{00} гача.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармаси

Телефон: 234-45-33, 235-17-02. **Факс:** 234-04-53.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мулкий комплексни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича танлов эълон қилади:

1. Қуйидагилардан иборат мулкий комплекс:

- гранит ва мармар блокларни қазиб олиш, шунингдек, уларни кесиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган ускуналар (ишлаб чиқариш қуввати — йилига 3000 куб.м. тайёр маҳсулот);
- базавий шассиси КрАЗ 255Б1, юк кўтариш қуввати 22,5 тонна бўлган КС-4574А русумли автокранлар (2 дона) ҳамда ECOAIR F105 русумли (1 дона) ва ПР-12/10М русумли (6 дона) компрессорлар.

2. Мулкий комплекс қуйидаги манзилда жойлашган:

Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Лангар посёлкаси.

3. Танлов ҳужжатларини, шунингдек, танлов ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги қўшимча ахборотни танлов таклифлари қабул қилинадиган муддат охирига қадар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9^{00} дан 18^{00} гача «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2008 йил 18 декабрь соат (маҳаллий вақт билан) 18^{00} гача.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармаси

Телефон: 234-45-33, 235-17-02.
Факс: 234-04-53.

Ташкилот қуйидаги русумлардаги ишлатилган юк автомашиналарини сотиш учун тендер эълон қилади:

- **«ЗИЛ» — 431410** русумидаги 1988 йилда ишлаб чиқарилган.
- **«ГАЗ» — 5312** русумидаги 1990 йилда ишлаб чиқарилган.

Маълумот учун телефон: **239-18-49.**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси, Янгийўл шаҳар партия кенгаши раиси Адҳам Маҳмудхоновга синглиси **Муборак ЁРМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda